NATO
OTAN

# НАТО НИМАНИ БИЛДИРАДИ?



Бизнинг вебсайтимизга ташриф буюринг:
**www.nato.int**



Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти дунёдаги катта ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бу сиёсий ва ҳарбий иттифоққа Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 30та аъзо мамлакатлар киради.

Ушбу мамлакатлар хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш учун музокаралар олиб боришади. Бунинг учун НАТО ушбу икки қитъа орасида сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорлик ўрнатиш учун ажойиб имкон яратган.

## ОДАМЛАР ҲИМОЯСИ

Биз кўпинча хавфсиз ва иқтисодий мустаҳкам атроф-муҳитда эркин юришимизни оддий холат деб биламиз. Кундалик ҳаётимизнинг ҳартомонлама хавфсизлиги турмушимизнинг асосидир.

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Мулоқот ва ҳамкорликни ўрнатиш учун тинч муносабатларни ва халқаро холатни чуқур тушуниш муҳимдир масаладир.

Аъзолар ва ҳамкор мамлакатларга хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатлар ўтказиш, ишончли муносабатларни қуриш ва келажакда низоларнинг олдини олиш учун НАТО ноёб имкон яратди.

Амалий ҳамкорлик ва кўптомонлама ташаббуслар орқали мамлакатлар хавфсизликнинг янги муаммоларига биргаликда қарши чиқишмоқда.

## ЯНГИ ХАВФ-ХАТАРЛАР БИЛАН КУРАШ

Хавф-хатар табиати ўзгариб бораётганлиги сабабли, тинчликни сақлаш воситалари ҳам ўзгариши керак. НАТО ўз мудофаа имкониятларини бугунги кундаги хавф-хатарларга қарши йўналтирмоқда. Терроризмга қарши кураш, кучсиз давлатлар ва, оммавий қирғин қуроллари каби, бошқа хавфсизлик хатарларига НАТО ўзининг ҳарбий кучларини мувофиқлаштирмоқда ва кўпмиллатли ёндашувлар ривожлантирмоқда.

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ҚУРИШ

Барқарорликнинг афзалликларидан бир пайтнинг ўзида кўп томонлар наф кўриши мумкин. Кескинлик хавфсизлик учун хатар туғдирадиган минтақаларда барқарорликни ўрнатиш жуда муҳимдир. Шунинг учун НАТО танглик холатларни бартараф этиш ишларида бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда фаол иштирок этади.



# НАТО НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ?

НАТО сиёсий ва ҳарбий воситалар орқали ўз аъзоларини ҳимоя қилишга мажбурият олган. Шунингдек НАТОга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан кенг доирадаги хавфсизликка тегишли, мудофаа ва тинчликни сақлаш каби масалалар бўйича музокара ва ҳамкорлик қилишга ҳам чорлайди.

Музокара ва ҳамкорлик орқали НАТО ўзининг аъзо мамлакатларнинг чегаралари ва чегараларидан ташқаридаги низоларни олдини олишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

НАТО демократия қадриятларини олға суришга ва келишмовчиликларни тинчлик йўли билан бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масала дипломатия йўллари билан хал бўлмаса НАТО кризис шароитларни олдини олиш ва тинчликни сақлаш учун ўзининг ҳарбий кучларини якка холда ёки бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишга солади.

Шунингдек НАТОнинг учинчи йўналиши ҳам бор. Булар қуйидагилардан иборатдир: тезкор ижтимоий режалаштириш, Иттифоқдош ва Ҳамкорларга табиий офатлар билан курашишда ёрдам бериш, шунингдек илм-фан ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳамкорликни ривожлантириш.

# НАТО ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Ҳар бир аъзо давлатнинг НАТОнинг Брюссельдаги Бош офисларида доимий делегацияси мавжуд. Ушбу қарорғоҳни бошқарадиган элчи, Иттифоқнинг маслаҳат ва қарор қабул қилиш жараёнларида ўз ҳукумати номидан иштирок этади.

Ташкилот ичида Шимолий Атлантика Кенгаши энг муҳим сиёсий қарорларни қабул қиладиган органдир. Бу ҳар хил поғоналарда мавжуддир ва аъзоларга асосий масалалар бўйича битимга келишишга НАТОнинг Бош Котиби бошчилик қилади.

НАТОнинг ҳар бир қумиталаридаги ҳамма қарорлар консенсус йўли билан қабул қилинади. Шунинг учун «НАТО қарори» ҳамма аъзо мамлакатларнинг коллектив ихтиёридир.

НАТОнинг жуда кам сонли доимий қуролли кучлари бор. Шимолий Атлантика Кенгаши операцияни мувофиқлаштиргандан сўнг аъзо мамлакатлар ўзининг қуролли кучларини ўз хохишига қараб жўнатишади. Бу кучлар миссия тугагандан сўнг ўз мамлактларига қайтадилар.

Ҳарбий қўмондонлик тузилманинг роли мувофиқлаштириш ва операцияни ўтказишдир. Тузилма қарорғох ва ҳар хил аъзо мамлакатларда жойлашган базалардан иборатдир.

НАТОнинг кундалик фаолияти, фуқаро ва ҳарбий тузилмалари ва хавфсизликни сармоялаш дастури умумий бюджет орқали аъзо мамлакатлар билан келишилган холда қийматлари бўлинган формула асосида молиялаштирилади.



# АЪЗО ВА ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАР

**Шимолий Атлантика Шартномасини имзолаганлар, 1949 йили 4 апрель.**

### АЪЗО МАМЛАКАТЛАР (+ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН САНА)

- Албания - 2009
- Бельгия - 1949
- Бирлашган Қироллик - 1949
- Болгария - 2004
- Венгрия - 1999
- Германия - 1955
- Голландия - 1949
- Дания - 1949
- Исландия - 1949
- Испания - 1982
- Италия - 1949
- Канада - 1949
- Латвия - 2004
- Литва - 2004
- Люксембург - 1949
- Монтенегро - 2017
- Норвегия - 1949
- Польша - 1999
- Португалия - 1949
- Руминия - 2004
- Словакия - 2004
- Словения - 2004
- Туркия - 1952
- Франция - 1949
- Хорватия - 2009
- Чехия Республикаси - 1999
- Шимолий Македония - 2020
- Эстония - 2004
- Юнонистон - 1952
- Қўшма Штатлар - 1949

### “ТИНЧЛИК УЧУН ҲАМКОРЛИК” (ТУҲ) ДАСТУРИГА ҚЎШИЛГАН МАМЛАКАТЛАР

- Арманистон
- Австрия
- Озарбайжон
- Белоруссия
- Босния ва Герцеговина
- Финляндия
- Грузия
- Ирландия
- Қозоғистон
- Қирғизстон
- Мальта
- Молдова
- Россия
- Сербия
- Швеция
- Швейцария
- Тожикистон
- Туркманистон
- Украина
- Ўзбекистон

### ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ МУЛОҚОТ ҲАМКОРЛАРИ

- Жазоир
- Иордания
- Исроил
- Мавритания
- Марокаш
- Миср
- Тунис

### СТАМБУЛ ҲАМКОРЛИК ТАШАББУСИГА (СҲТ) ҚЎШИЛГАН МАМЛАКАТЛАР

- Баҳрайн
- Бирлашган Араб Амирликлари
- Қатар
- Қувайт

### DUNYODAGI HAMKORLAR

- Австралия
- Афғонистон
- Ироқ
- Колумбия
- Корея Республикаси
- Монголия
- Покистон
- Янги Зеландия
- Япония

0351-20 © NATO 2020 - UZB